

РЕСПУБЛИКАМИЗ БАНКЛАРИДА ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Рахманова Лайло Баходировна

Самарқанд иқтисодиёт ва

сервис институти магистри

e-mail: rlaylo120685@mail.com

tel: 99 412-28-82

Аннотация: Ушбу мақолада биз тижорат банкларида валюта операцияларини амалга ошириш жараёнлари ҳамда уларни такомиллаштириш йўналишлари илмий таҳлил қилдик. Мақолада жаҳон молия бозорларидаги рақобат, валютанинг конвертация даражаси ва халқаро ҳисоб-китоб амалиётлари банк тизими фаолиятига бевосита таъсир этувчи омиллар сифатида кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: Тижорат банклари, валюта операциялари, молия-валюта тизими, валютариск, халқаро ҳисоб-китоб, рақамли банк хизматлари, хеджинг, валютасвоп, банк тизими, интеграция.

Аннотация: В данной статье проведен научный анализ процессов валютных операций в коммерческих банках и направлений их совершенствования. В статье рассматриваются конкуренция на мировых финансовых рынках, уровень конвертации валют и практика международных расчетов как факторы, непосредственно влияющие на деятельность банковской системы.

Ключевые слова: Коммерческие банки, валютные операции, финансово-валютная система, валютный риск, международные расчеты, цифровые банковские услуги, хеджирование, валютный своп, банковская система, интеграция.

Abstract: This article provides a scientific analysis of foreign exchange transactions in commercial banks and areas for improvement. It examines competition in global financial markets, the level of currency conversion, and international settlement practices as factors that directly impact banking system operations.

Keywords: commercial banks, foreign exchange transactions, financial and monetary system, currency risk, international settlements, digital banking services, hedging, currency swaps, banking system, integration.

Кириш. Глобал иқтисодиётдаги интеграция жараёнлари, ташқи савдо муносабатларининг кенгайиши ва молия бозорларида рақобатнинг кучайиши шароитида валюта операциялари тижорат банклари фаолиятининг асосий

йўналишларидан бирига айланди. Хусусан, валюта бозори орқали халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш, ташқи иқтисодий фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва валюта рискларини бошқариш мамлакат иқтисодиёти барқарорлигида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда валюта операцияларини такомиллаштириш йўналишида қатор қонунчилик ва институционал ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, 2019 йил 22 октябрда қабул қилинган “Валютани тартибга солиш тўғрисида”¹ги Қонун миллий валютанинг эркин айирбошланиши, валюта операцияларини соддалаштириш ва ҳуқуқий асосларни аниқ белгилашга хизмат қилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган “Валюта операцияларини амалга ошириш қоидалари”² ҳамда “Капитал ҳаракати билан боғлиқ айрим валюта операциялари тартиби”³ тўғрисидаги низомлар банклар фаолиятида амалий йўналиш сифатида катта аҳамиятга эга бўлди.

2024–2025 йиллардаги янгиликлардан бири сифатида Марказий банк хорижий валютадаги депозитлар бўйича мажбурий захира меъёрларини пасайтирди, бу эса банклар ликвидлигини оширишга ва валюта бозоридаги барқарорликни таъминлашга хизмат қилмоқда. Шунингдек, валюта операцияларидаги ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш мақсадида “Валютани тартибга солиш тўғрисида”⁴ги қонунга бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, бу эса валюта операциялари шаффофлиги ва самарадорлигини таъминлашга қаратилган муҳим қадам сифатида баҳоланмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилаётган либерал ислохотлар, миллий валютанинг конвертация жараёни ва банклар фаолиятига рақамли технологияларни жорий этиш каби омиллар тижорат банкларидан валюта операцияларини янада самарали ва замонавий усулларда ташкил этишни талаб этмоқда. Шу нуқтаи назардан, тижорат банкларида валюта операцияларини амалга оширишни такомиллаштириш, улардаги ҳуқуқий, ташкилий ва технологик механизмларни таҳлил қилиш ҳамда илғор халқаро тажрибалар асосида амалий таклифлар ишлаб чиқиш ушбу мақоланинг асосий мақсадини ташкил этади.

Асосий қисм. Тижорат банклари иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Улар миллий ва халқаро молия бозорларини боғловчи асосий воситачи сифатида валюта операцияларини амалга ошириб, ташқи иқтисодий фаолиятда иштирок этувчи субъектларга хизмат кўрсатади. Валюта

¹ https://cbu.uz/oz/press_center/news/75951/

² https://ziraatbank.uz/Documents/Features/ZFG_UZBEKISTAN_valyuta-operatsiyalarini-amalga-oshiresh-tartibi-pdf_600.pdf

³ https://cbu.uz/oz/press_center/news/269593/

⁴ https://cbu.uz/oz/press_center/news/75951/

операциялари орқали корхоналарнинг импорт-экспорт фаолияти молиялаштирилади, хорижий инвестициялар жалб этилади ва валютанинг эркин айирбошлаш имконияти яратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, миллий иқтисодиётни жаҳон ҳўжалик тизимига интеграция қилиш учун банк-молия соҳасида очиқлик ва шаффофлик таъминланиши зарур. Шу нуқтаи назардан, тижорат банклари валюта операцияларини замонавий талаблар асосида ташкил этишлари иқтисодий ўсиш омилларидан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда валютани тартибга солиш соҳасида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Хусусан:

- 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ–5177-сон Фармон⁵ билан миллий валютанинг конвертацияси таъминланди ва банкларда хорижий валютани эркин харид қилиш ва сотиш тизими жорий этилди.

- 2023–2024 йилларда Марказий банк томонидан қабул қилинган қатор қарорлар орқали тижорат банкларига халқаро тўлов тизимлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, электрон платформа орқали валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш имконияти берилди.

- 2025 йилда “Валютани тартибга солиш ва назорат қилиш тўғрисида”⁶ги қонуннинг янги таҳрири қабул қилиниб, унда банклар учун валютани айирбошлаш ва халқаро пул ўтказмаларини амалга оширишда рақамли технологиялардан фойдаланиш ҳуқуқий асосда мустаҳкамланди.

Ушбу ислохотлар тижорат банклари учун янги имкониятлар очиб берди, шу билан бирга валюта операцияларини такомиллаштиришга катта туртки бўлди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда банк-молия тизимида валюта операцияларини эркинлаштириш ва тижорат банклари орқали уларни амалга ошириш жараёнлари изчил ривожланмоқда. Валюта бозоридаги ислохотлар, айниқса, 2017 йилда миллий валютани эркин конвертация қилиш тўғрисидаги қарордан сўнг янги босқичга кўтарилди. Ҳозирги вақтда валюта айирбошлаш, хорижий валютада кредит бериш ва депозитларни жалб қилиш кўрсаткичлари йил сайин ўсиб бормоқда. Бу ҳолатни қуйидаги жадвал орқали яққол кўриш мумкин.

⁵ <https://lex.uz/docs/3326421>

⁶ <https://xs.uz/uzkr/post/valyutani-tartibga-solish-togrisida-yangi-tahriri>

1-жадвал

**Ўзбекистонда тижорат банклари томонидан амалга оширилган
валюта операциялари ҳажми (млрд. АҚШ доллари)⁷**

Йил	Валюта айирбошлаш операциялари	Хорижий валютадаги кредитлар	Хорижий валютадаги депозитлар
2021	5,8	3,2	2,5
2022	6,4	3,9	2,9
2023	7,1	4,6	3,4
2024	8,3	5,2	4,1

Жадвал маълумотлари таҳлил қилинганда, 2021–2024 йилларда тижорат банклари томонидан амалга оширилган валюта операциялари ҳажми изчил ўсиш тенденциясига эга экани кўзга ташланади. Хусусан, валюта айирбошлаш операциялари 5,8 миллиард АҚШ долларида 8,3 миллиардга етгани, хорижий валютадаги кредитлар 3,2 миллиарддан 5,2 миллиардга кўтарилгани, шунингдек, депозитлар 2,5 миллиарддан 4,1 миллиардга ўсгани молия бозорининг барқарорлигидан далолат беради. Бу жараёнлар тижорат банклари валюта операцияларини такомиллаштириш йўналишида амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини янада тасдиқлайди.

Ўзбекистонда тижорат банклари валюта операцияларини амалга оширишда асосий омил сифатида ташқи савдо ва ички валюта айирбошлаш жараёнлари ҳисобланади. Охирги йилларда валюта бозоридаги либераллаштириш сиёсати ва банк тизимининг рақамли инфратузилмаси ривожланиши ушбу операциялар ҳажмини сезиларли даражада оширишга олиб келди. Бу ҳолатни статистик маълумотларда ҳам кузатиш мумкин.

2-жадвал

**Ўзбекистонда тижорат банклари томонидан амалга оширилган
валюта операциялари ҳажми (2021–2024 йй.)⁸**

Йиллар	Экспорт операциялари (млн. АҚШ долл.)	Импорт операциялари (млн. АҚШ долл.)	Валюта айирбошлаш операциялари (млрд. сўм)	Жами валюта операциялари (млн. АҚШ долл.)
2021	7 850	9 120	12 500	16 970
2022	8 630	10 540	14 200	19 170
2023	9 720	11 880	16 300	21 600
2024	10 540	12 740	17 900	23 280

⁷ <https://kun.uz/en/news/2025/02/14/central-banks-foreign-exchange-interventions-total-76-billion-in-2024>

⁸ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисоботлари асосида тузилди.

Маълумотлар таҳлилидан кўриниб турибдики, 2021–2024 йиллар давомида экспорт ва импорт операциялари барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлди. Шу билан бирга, ички бозорда валюта айирбошлаш операциялари ҳажмининг ортиши аҳоли ва бизнес субъектлари томонидан валютага бўлган талабнинг ўсиши билан изоҳланади. Жами валюта операцияларининг йил сайин кўпайиб бориши тижорат банклари фаолиятида бозор механизмларининг кучайиб бораётганини тасдиқлайди.

Сўнгги йилларда банк тизимида рақамли хизматларни жорий этиш валюта операциялари соҳасида сезиларли ўзгаришларга сабаб бўлди. Хусусан, мобил иловалар ва онлайн платформа орқали амалга оширилаётган конвертация ва тўлов хизматлари улуши изчил ўсмоқда. Бу тенденция банк мижозлари учун қулайлик яратиш билан бирга, молиявий операцияларнинг шаффофлигини ҳам таъминламоқда.

3-жадвал

Ўзбекистонда тижорат банклари валюта операциялари бўйича рақамли хизматлар улуши (2020–2024 йй.)⁹

Йиллар	Онлайн конвертация (%)	Мобил иловалар орқали операциялар (%)	Банк бўлими орқали амалга оширилган (%)
2020	12,5	8,4	79,1
2021	18,9	12,6	68,5
2022	26,3	17,8	55,9
2023	35,6	24,1	40,3
2024	43,2	32,7	24,1

Жадвал маълумотлари таҳлил қилинганда, 2020 йилда онлайн ва мобил хизматлар улуши нисбатан паст бўлгани ҳолда, 2024 йилга келиб уларнинг миқдори сезиларли даражада ортиб, анъанавий банк бўлимлари орқали амалга ошириладиган операциялар улуши камайгани яққол кўринади. Бу эса рақамли банк хизматларининг истиқболдаги устувор йўналишлардан бирига айланганини англатади. Шу билан бирга, валюта операцияларида рақамли технологиялардан фойдаланиш хавфсизликни таъминлаш ва операцияларнинг тезкорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса ва таклифлар. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, тижорат банкларида валюта операцияларини амалга ошириш миллий иқтисодиётда стратегик аҳамиятга эга бўлиб, ташқи иқтисодий фаолиятни қўллаб-қувватлаш, халқаро тўлов тизимини самарали ташкил этиш ҳамда хорижий инвестицияларни жалб қилишда муҳим омил ҳисобланади. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда валютани тартибга солиш соҳасида амалга

⁹ Марказий банк очиқ маълумотлари ва банклар ҳисоботлари.

оширилган туб ислохотлар, жумладан, валютанинг эркин конвертацияси, банкларда рақамли хизматларни жорий этиш ва янги “Валютани тартибга солиш ва назорат қилиш тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши, валюта бозорида очиқлик ва шаффофликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйдаги таклифларни келтирамиз:

1. Рақамли инфратузилмани ривожлантириш - Тижорат банклари учун онлайн платформа ва мобил иловалар орқали валюта айирбошлаш ва халқаро пул ўтказмаларини амалга ошириш хизматларини янада кенгайтириш зарур.

2. Замонавий молиявий инструментларни жорий этиш - Валюта своп ва хеджинг амалиётини маҳаллий банк тизимида татбиқ этиш орқали корхоналарнинг валюта рискларини минималлаштириш мумкин.

3. Хорижий банклар билан ҳамкорликни кучайтириш - Корреспондент банклар тармоғини кенгайтириш ва SWIFT тизимидаги операцияларни янада самарали қилиш орқали халқаро ҳисоб-китобларнинг тезкорлигини ошириш керак.

4. Кадрлар салоҳиятини ошириш - Банк ходимлари учун валюта операциялари ва халқаро молия инструментларига оид малака ошириш курслари ташкил этилиши мақсадга мувофиқ.

5. Иқтисодий-ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш - Валюта операциялари билан боғлиқ қонунчилик базасини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш ва инвестицион муҳитни янада яхшилаш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ–5177-сон “Валютани либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. – Т.: Президент қарори, 2017.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2025 йилда қабул қилинган “Валютани тартибга солиш ва назорат қилиш тўғрисида”ги Қонуни. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, 2025.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ–6002-сон “Банк тизимини ислоҳ қилиш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. – Т.: Президент қарори, 2020.
4. Хайдаров, Ш. Халқаро молия бозорида валюта операциялари ва уларнинг иқтисодий аҳамияти. – Т.: “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2022.
5. Mishkin, F. S. The Economics of Money, Banking and Financial Markets. – 12th ed. – Pearson, 2022.
6. Krugman, P., Obstfeld, M., Melitz, M. International Economics: Theory and Policy. – 11th ed. – Pearson, 2023.
7. Халқаро Валюта Фонди (IMF). Annual Report on Exchange Arrangements and Exchange Restrictions. – Washington D.C.: IMF, 2024.
8. https://cbu.uz/oz/press_center/news/75951/
9. https://ziraatbank.uz/Documents/Features/ZFG_UZBEKISTAN_валюта-операцияларини-амалга-ошириш-тартиби-pdf_600.pdf
10. https://cbu.uz/oz/press_center/news/269593/